



БАҲОЛАНГАН МАЖБУРИЯТЛАР АУДИТИНИ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ



Очилов Фарходжон Шавкатжон ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

“Аудит” кафедраси доценти, PhD

Аннотация. Мазкур мақолада халқаро стандартлар асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувидан ўтказиш чоғида мазкур молиявий ҳисоботлардаги баҳоланганд мажбуриятлар билан боғлиқ ахборотларнинг тўғрилиги ҳамда ишончлилигини текшириш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот олиб борилди. Баҳоланганд мажбуриятлар аудитининг мақсади, вазифалари ва ахборот манбаларига тўхталиб ўтилди. Шулардан келиб чиқсан ҳолда, баҳоланганд мажбуриятлар аудити йўналишлари белгилаб берилди. Шунингдек, баҳоланганд мажбуриятлар аудитини ташкил қилиш ва ўтказиш босқичлари аудитининг халқаро стандартлари асосида ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар. АХС, баҳоланганд мажбуриятлар, аудиторлик риски, молиявий ҳисобот аудити, аудиторлик хуносаси, жавобгарлик, назорат тестлаш, моҳиятига кўра текширув, аудиторлик далиллар.

ЭТАПЫ ПРОВЕДЕНИЯ И НАПРАВЛЕНИИ АУДИТА ОЦЕНОЧНЫХ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ

Аннотация. В данной статье в ходе аудита финансовой отчетности, подготовленной на основе международных стандартов, были проведены исследования по разработке и совершенствованию методики проверки достоверности информации, связанной с оценочными обязательствами в данной финансовой отчетности. Были затронуты цель, задачи и источники информации проверки оценочных обязательств. На основании этого были определены направления проверки оценочных обязательств. Также, разработаны этапы организации и проведения аудита оцененных обязательств на основе международных стандартов аудита.

Ключевые слова. МСА, оценочные обязательства, аудиторский риск, аудит финансовой отчетности, аудиторское заключение, обязанность, контрольное тестирование, проверка по существу, аудиторские доказательства.

STAGES OF CONDUCTING AND DIRECTIONS OF THE AUDITING OF PROVISIONS

Abstract. In this article, during the audit of financial statements prepared on the basis of international standards, research was carried out to develop and improve a methodology for verifying the accuracy and reliability of information related to provisions in these financial statements. The purpose, objectives and sources of information for checking provisions were touched upon. Based on this, areas for checking provisions were determined. Also, the stages of organizing and conducting an audit of provisions based on international auditing standards have been developed.

Key words. ISA, provisions, audit risk, financial statements audit, auditor's report, obligation, control tests, substantive testing, audit evidence.

1. КИРИШ.

Хўжалик юритувчи субъектларда халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботларнинг «баҳоланган мажбуриятлар» моддасида учрайдиган муҳим бузиб кўрсатишлар аудиторларнинг фикрига кўра, молиявий ҳисоботларнинг ишончсиз деб тан олинишига олиб келиши мумкин, бу манфаатдор фойдаланувчиларнинг қарорларига сезиларли таъсир кўрсатади. Натижада, молиявий ҳисоботнинг ушбу моддасида аниқланган хато ва қоидабузарликлар муҳим бузиб кўрсатишлар риски даражасини оширади ҳамда аудиторлик текширувида моҳиятига кўра аудит амалларини тўлиқ қўллашни талаб қиласди.

Шу сабабли, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисоботларни тузиш ва тайёрлаш чоғида мажбуриятлар миқдорини тўғри ҳамда ҳаққоний акс эттиришни мақсад қилишини инобатта олган ҳолда, баҳоланган мажбуриятлар аудитининг аниқ йўналишларини белгилаб олиш ҳамда баҳоланган мажбуриятлар аудитини ташкил қилиш ва ўтказиш босқичларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

2. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.

Ўзбекистон Республикасининг аудит амалиётида ҳозирги пайтда аудитнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисббот аудити ўтказилмоқда. Иқтисодий адабиётларда ҳамда аудит амалиётида айнан баҳоланган мажбуриятлар аудити методологияси ҳамда бухгалтерия ҳисбонинг мазкур обьекти аудитида қўлланиладиган усуллар бўйича фикрлар деярли мавжуд эмас. Бирок, бир қатор хорижий иқтисодчи олимлар томонидан мажбуриятлар аудити таркибида баҳоланган мажбуриятларни ҳам аудиторлик текширувидан ўтказиш борасида олиб борган тадқиқотларини ҳам келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Баҳоланган мажбуриятлар аудитини режалаштиришнинг айрим масалалари В.И. Бондаренконинг асарларида ёритиб берилган. Унинг фикрига кўра, «баҳоланган мажбуриятлар аудитида аудиторлик далилларини тўплашнинг замонавий усулларини қўллашга боғланган ҳолда, аудит методологиясини ишлаб чиқиш лозим эканлиги илмий асосланган» [1].

Бошқа иқтисодчи олимлар «Баҳоланган мажбуриятлар аудитининг асосий қоидалари аудиторга ҳисоб-китоблар ва бухгалтерия ёзувларидан фойдаланиш имконини беради. Бунинг учун мазкур баҳоланган мажбуриятларни аудиторлик текширувидан ўтказишида счёт-фактуралар, солиқ тўловлари ва электрон почта хабарлари каби хужжатларнинг айрим турларини кўриб чиқиш лозим» [2] деган хуносага келган.

Мажбуриятлар аудитига бағишлиган дарслиқда қуийдагилар келтириб ўтилган: «Мажбуриятлар аудити, биринчи навбатда, барча аниқ мажбуриятлар тўғри ҳисобга олинганилигини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим, чунки мажбуриятлар бўйича маълумотларда муҳим бузиб кўрсатиш ҳолатларининг мавжудлиги молиявий ҳисботнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини бузади» [3].

Шунингдек, иқтисодчи олимлар Р.П.Булыга ҳамда М.В.Мельник ўзининг илмий-тадқиқот ишларида мажбуриятларни текшириш жараёнларини ёритиб беришга ҳаракат қилган. Мажбуриятлар аудитида молиявий ҳисботда мажбуриятлар бўйича муҳим бузиб кўрсатишлар риски даражасини аниқлаш ҳамда бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг таъкидлашича, «аудитнинг асосий вазифаси текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг рискларини тобора қўпроқ аниқлашга қаратилмоқда, бу эса текширилаёттан корхоналар ва уларнинг шериклари учун муайян турдаги фаолият ва битимларнинг салбий оқибатлари тўғрисида огоҳлантириш имконини беради» [4].

Д.В.Орловнинг фикрича, «мажбуриятлар қуийдаги тартибда текширилиши керак:

- молиявий ҳисботлар учун муҳимлик чегарасини аниқлаш;
- молиявий ҳисботда айнан қандай суммалар акс эттирилганлигини ошкор қилиш ва уларни тасдиқловчи дастлабки хужжатлар ва шартномаларни ўрганиш;
- сўровнома ўтказиш орқали текшириш ва контрагентлар олдида мажбуриятларнинг мавжудлиги ҳамда уларга оид баланс моддалари қолдини тасдиқлаш;
- қайта текшириш амали ёрдамида, операциялар натижасини ва уларни молиявий ҳисботда акс эттириш заруратини аниқлаш» [5].

Лари Р.Д, Девид Н. Р.Тромпетер ва Г.Тромпетер каби хорижий иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, «баҳоланган мажбуриятлар аудити молиявий ҳисботда мажбуриятларнинг бир қисми сифатида ўтказилади. Мажбуриятлар билан боғлиқ ҳар қандай муҳим бузиб кўрсатиш рисклари хуносага жиддий таъсир қиласди» [6].

Муаллифнинг бошқа тадқиқот ишида «баҳоланган мажбуриятлар аудитини режалаштириш ҳамда баҳоланган мажбуриятлар аудитида фойдаланиладиган маълумот манбалари бўйича фикрларини ёритиб берган» [7].

Юқорида номлари зикр этилган хорижий ҳамда маҳаллий иқтисодчи олимларнинг асарларида «баҳоланган мажбуриятлар аудити» атамасига таъриф берилмаганилигини кўришимиз мумкин. Шу сабабли, мазкур иқтисодчи олимларнинг фикрларига таянган ҳолда ҳамда илмий монографик тадқиқотларимиз натижасида «баҳоланган мажбуриятлар аудити» атамасига муаллифлик таърифини ишлаб чиқдик.

Баҳоланган мажбуриятлар аудити - бу хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботларида мавжуд баҳоланган мажбуриятларини тан олиш ва баҳолашнинг ишончлилиги ва мувофиқлигини текшириш ҳамда улар бўйича холисона фикрни шакллантириш жараёни. Баҳоланган мажбуриятлар аудитида аудитор баҳоланган мажбуриятлар миқдори тўғрилигини баҳолайди шунингдек, ташқи омилларнинг баҳоланган мажбуриятларга тарьишини текширади ҳамда хулоса шакллантиради.

3. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг ишончлилиги ва шаффоғлиги, шунингдек ҳаражатлар ва даромадларнинг ҳаққоний ёритиб берилганигини, асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичларининг иқтисодий мазмунини ўрганиш лозим эканлигини, бухгалтерия ҳисобининг миллий ҳамда молиявий ҳисоботларнинг ҳаққоний тайёрланганигини аудиторлик текширувидан ўтказиш долзарб масалалардан биридир. Мажбуриятлар аудити аудиторлик текширувининг энг муҳим обьектларидан биридир.

Баҳоланган мажбуриятлар аудитининг асосий мақсади молиявий ҳисбот моддаларининг ишончлилиги ва баҳоланган мажбуриятларни тан олиш ва бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олишнинг тўғрилиги ҳақида аудиторлик фикрини ифодалашдир.

Аудиторлик фаолияти аудит билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш ва маҳсус топшириқларни бажаришни ўз ичига олишини ҳисобга олган ҳолда, баҳоланган мажбуриятлар аудитининг мақсади аудиторлик текшируви натижалари бўйича аудиторнинг фикрини ифодалашни ўз ичига олиши керак.

Баҳоланган мажбуриятлар аудитини ўтказишнинг асосий мақсадлари қуидагилардан иборат:

1. Молиявий ҳисоботларда баҳоланган мажбуриятларга оид ахборотларнинг тўлиқлигини текшириш. Бундан кўзланган асосий мақсад молиявий ҳисоботларда баҳоланган мажбуриятларнинг тўғри ва ҳаққоний тақдим этилишини таъминлашдир.

2. Ҳисоб-китобларнинг мувофиқлигини тасдиқлаш. Аудитор баҳоланган мажбуриятларни баҳолашда қўлланилган тахминлар қай даражада ҳаққоний ва асосли эканлигини ҳамда тегишли баҳолаш усуллари қўлланилиши тўғрилигини текширади.

3. Баҳоланган мажбуриятлар ҳисобидаги муҳим бузиб кўрсатишлар риски ҳамда хатоларни аниқлаш. Аудитор баҳоланган мажбуриятларни аниқ ва ишончли баҳолаш билан боғлиқ бўлган рискларни текширади ва баҳолаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хатолар ёки муҳим бузиб кўрсатиш ҳолатларини аниқлайди ҳамда уларга нисбатан жавоб ҳаракатларини амалга оширади.

Аудиторлик текшируви чоғида юқоридағи мақсадларга эришиш учун аниқ режалаштирилган ва белгиланган вазифаларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

1-жадвал

Баҳоланган мажбуриятлар аудитининг вазифалари¹

	Вазифалар	Тавсиф
1.	Баҳолаш методологиясини текшириш	Аудитор баҳоланган мажбуриятларни баҳолашда кўлланилган усулларни ва уларнинг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва ҳисбот талабларига мувофиқлигини текширади.
2.	Фараз ва тахминларни таҳдил қилиш	Аудитор баҳоланган мажбуриятларни баҳолашда кўлланилган фараз ва тахминларни қўриб чиқади ҳамда уларнинг ҳаққонийлиги, асослилиги ва мақсадга мувофиқлигини текширади.
3.	Ташқи омилларни текшириш	Аудитор баҳоланган мажбуриятлар қийматини ҳисоблашга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бозор шароитлари, норматив-хуқуқий ҳужжатлар талаблари каби ташқи омилларни ҳисобга олади.
4.	Далилларни тўплаш	Аудитор баҳоланган мажбуриятларни баҳолашнинг тўғрилиги ва ишончлилигини тасдиқловчи етарли ва мос бўлган аудиторлик далилларини тўплайди.
5.	Мухим бузиб кўрсатишлар рискини аниқлаш	Аудитор баҳоланган мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган риск ва номувофиқликларни аниқлайди ва уларнинг молиявий ҳисботтага таъсирини баҳолайди.
6.	Хulosani шакллантириш	Аудиторлик текшируви асосида аудитор ўз хulosалари ва тавсияларини тайёрлайди, улар баҳоланган мажбуриятларни баҳолаш жараёнларини такомиллаштириш ҳамда молиявий ҳисботнинг ишончлилигини ошириш бўйича таклифларни ўз ичига олиши мумкин.

Мажбуриятларни баҳолаш жараёнининг ҳаққонийлиги ва шаффоғлигини

¹ Муаллиф ишланмаси

таъминлаш учун баҳоланган мажбуриятлар аудити ўтказилади, бу эса ўз навбатида, молиявий ҳисботлардан фойдаланувчиларнинг ҳисботларда тақдим этилган маълумотларга ишончини оширишга хизмат қиласди.

Баҳоланган мажбуриятлар аудити аудиторга мажбуриятларни баҳолашнинг ишончлилиги ва мувофиқлигини текширишга ёрдам берадиган бир неча босқичларни ўз ичига олади. Баҳоланган мажбуриятлар аудитининг асосий босқичлари ҳамда уларнинг қисқача тавсифи 2-жадвалда келтириб ўтилган.

2-жадвал

Баҳоланган мажбуриятлар аудитини ўтказиш босқичлари²

Босқич	Босқич номи	Бажариладиган ишлар	Аудит амаллари
1-босқич	Режалаштириш	<ol style="list-style-type: none"> Рискларни баҳолаш ва баҳоланган мажбуриятларнинг хусусиятларини аниқлаш. Аудиторлик текширувининг ҳажми ва соҳаларини аниқлаш. Аудит стратегиясини ишлаб чиқиши ва аудиторлик текшируви учун зарур ресурсларни аниқлаш. 	Назорат тестлаш, моҳиятига кўра аудит амаллари
2-босқич	Ички назорат тизимини баҳолаш	<ol style="list-style-type: none"> Хўжалик юритувчи субъектнинг назорат муҳити ва операцион фаолиятини ўрганиш. Баҳоланган мажбуриятларни баҳолаш билан боғлиқ ички назорат қоидаларини таҳлил қилиш. Жавобгарлик юклайдиган ҳодисани баҳолаш ва уларнинг натижаларининг умумий таҳлилини ўтказиш. 	Назорат тестлаш
3-босқич	Баҳоланган мажбуриятларни баҳолаш методологиясини тасдиқлаш	<ol style="list-style-type: none"> Баҳоланган мажбуриятларни баҳолашда фойдаланиладиган методология ва моделларни тасдиқлаш. Баҳолаш усуllibарининг тўғри қўлланилганлиги ҳамда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ва ҳисбот қоидаларига риоя этилганлигини таҳлил қилиш. 	Моҳиятига кўра аудит амаллари
4-босқич	Таҳминларни баҳолаш	<ol style="list-style-type: none"> Мажбуриятларни баҳолашда қўлланилган таҳминларнинг 	Назорат тестлаш,

² Муаллиф ишланмаси

		оқилоналиги ва мақсадга мувофиқлигини текшириш. 2. Тахминларнинг ҳақиқий ҳолатлар ва ташқи шароитларга мувофиқлигини таҳлил қилиш.	моҳиятига кўра аудит амаллари
5-босқич	Далиллар тўплаш	1. Мажбуриятларни баҳолашнинг тўғрилиги ва ҳақонийлигини тасдиқловчи етарли ва мос аудиторлик далилларини тўплаш. 2. Баҳоланган мажбуриятлар қиймати тўғрилиги бўйича назорат тестлашни ўтказиш ҳамда тақдим этилган маълумотларнинг арифметик аниқлигини текшириш.	Назорат тестлаш, моҳиятига кўра аудит амаллари
6-босқич	Муҳим бузиб кўрсатиш риски даражасини ҳамда номувофиқликларни баҳолаш	1. Баҳоланган мажбуриятлар билан боғлиқ потенциал риск ва номувофиқликларни аниқлаш. 2. Ушбу рискларнинг молиявий ҳисботларнинг ишончлилигига таъсирини баҳолаш. 3. Аниқланган рискларга нисбатан аудиторнинг жавоб ҳаракатларини қўллаш	Моҳиятига кўра аудит амаллари
7-босқич	Хulosса ва тавсияларни шакллантириш	1. Баҳоланган мажбуриятлар аудити натижалари бўйича хulosаларни шакллантириш. 2. Текширув жараёнида аниқланган муаммоларни, баҳолаш жараёнларини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ва бошқа муҳим ҳолатларни акс эттирувчи аудиторлик ҳисботини тайёрлаш.	Моҳиятига кўра аудит амаллари
8-босқич	Яқуний босқич	1. Яқуний аудит амалларни бажариш, шу жумладан аудит натижаларини хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти билан муҳокама қилиш. 2. Баҳоланган мажбуриятлар аудити бўйича яқуний хulosани тайёрлаш ва субъект раҳбариятига тақдим этиш.	Моҳиятига кўра аудит амаллари

Баҳоланган мажбуриятлар аудитининг хар бир босқичи молиявий

хисоботларнинг ишончлилигини таъминлаш ва молиявий маълумотлардан фойдаланувчиларнинг ишончини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Юқорида келтирилган босқичлар асосида аудиторлик текширувида баҳолангандан мажбуриятлар хисобини текшириш молиявий ҳисбот аудити натижаларининг тўғри акс эттирилишига ҳамда ишончли ва холисона аудиторлик хуносасининг шакллантирилишига имкон яратади.

Хўжалик юритувчи субъектларда баҳолангандан мажбуриятларни аудиторлик текширувидан ўтказиш чоғида баҳолангандан мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган хўжалик муомалаларини тўғри амалга оширилганлигини текшириш, баҳолангандан мажбуриятлар билан боғлиқ солиқقا тортиш ва ҳисобга олиш қоидаларини, молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги мезонларини, аудит усусларини, текширилаётган субъектнинг маълумотларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни тизимлаштириш орқали баҳолангандан мажбуриятларни текшириш бўйича аудит амалларини қўллашнинг асосий йўналишлари ва қоидаларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, баҳолангандан мажбуриятларни аудиторлик текширувидан ўтказиш йўналишлари ишлаб чиқилди (1-расм).

 Баҳолангандан мажбуриятларни тан олиш ва уларга оид резервларни яратиш
учун шарт-шароитлар мавжудлигини ўрганиш

 Баҳолангандан мажбуриятларни тан олиш ва баҳолашнинг ҳисоб
сиёсатига мувофиқлигини текшириш

 Баҳолангандан мажбуриятларни ҳисоблаш усусларининг аниқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолаш

 Баҳолангандан мажбуриятларга хос бўлган риск ва номувофиқликларни баҳолаш

 Келгусида содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг баҳолангандан
мажбуриятларга таъсирини баҳолаш

 Баҳолангандан мажбуриятлар қийматини баҳолаш усусларининг ҳисоб
сиёсатида тасдиқланган усусларга мувофиқлигини текшириш

 Баҳолангандан мажбуриятларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши
тўғрилигини текшириш

 Баҳолангандан мажбуриятларни инвентаризация қилиш ва инвентаризация
ҳужжатларини таҳдил қилиш

1-расм. Баҳолангандан мажбуриятларни аудиторлик текширувидан ўтказиш йўналишлари³.

Баҳолангандан мажбуриятлар аудитининг самарадорлигини оширишга

³ Муаллиф ишланмаси

аудиторлик текшируви жараёнларини оптималлаштириш ва аудит иши сифатини оширишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар орқали эришиш мумкин.

Баҳоланган мажбуриятларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда пухта режалаштириш, аудиторлик текширувини ўтказиш учун ресурслар ва вақтни оптималлаштириш, баҳоланган мажбуриятлар билан боғлиқ рискларни таҳдил қилиш ва баҳолаш ҳамда аудит режасини ишлаб чиқишида уларни инобатга олиш, маълумотларни йиғиши ва таҳдил қилишини осонлаштириш учун маҳсус аудит дастурлари ва воситаларидан фойдаланиш, баҳоланган мажбуриятларни текширишни амалга оширувчи аудиторларнинг тегишили тайёргарлиги ва малакасини мунтазам ошириб бориш, аудит амалларини қўллашда барча амалдаги профессионал аудитнинг халқаро стандартларига риоя қилиш ҳамда ҳар бир мижоз учун унинг хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал аудит стратегияларини ишлаб чиқиши молиявий ҳисботларнинг ишончлилиги ва сифатини таъминлаш ва манфаатдор томонларнинг ишончини ошириш билан бирга, баҳоланган мажбуриятлар аудитининг самарадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қиласди.

4.ХУЛОСА.

Баҳоланган мажбуриятлар аудити методологиясини такомиллаштириш бўйича юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар натижасида қўйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Аудитнинг халқаро стандартларига асосан «баҳоланган мажбуриятлар аудити» атамасининг мукаммал таърифи ишлаб чиқилди. Мазкур таъриф баҳоланган мажбуриятлар аудитининг назарий ҳамда амалий жиҳатларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди ҳамда ушбу таърифдан фойдаланиш орқали келгусида ишлаб чиқилиши мумкин бўлган норматив-хукуқий хужжатлардаги услубий муаммоларни бартараф этиш имконияти яратилади.

2. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисботларни аудиторлик текширувидан ўтказиш чоғида баҳоланган мажбуриятлар аудитини самарали ташкил қилиш ва ўтказишнинг мақсади, вазифалари ҳамда ахборот манбаларига аниқлик киритилди. Бунинг натижасида мажбуриятлар аудитининг ҳаққонийлиги ҳамда шаффофлиги ортишига эришилади. Шунингдек, молиявий ҳисботларда мажбуриятлар миқдорининг тўғри акс эттирилишига нисбатан аудиторнинг оқилона ишончини тақдим этиш имкони пайдо бўлади.

3. Хўжалик юритувчи субъектларда баҳоланган мажбуриятлар аудитини ўтказишнинг 8 босқичли кетма-кетлиги ҳамда мазкур босқичларда бажариладиган ишлар ва қўлланиладиган аудит амаллари ишлаб чиқилди. Мажбуриятлар аудитини ўтказиш жараёнида, хусусан, баҳоланган мажбуриятларни аудиторлик текширувидан ўтказишда мазкур босқичларни амалга ошириш орқали хўжалик юритувчи субъектнинг баҳоланган мажбуриятлари бўйича маълумотлар молиявий ҳисботларда ишончли ва ҳаққоний ёритиб берилганилиги бўйича холисона хулоса шакллантиришга замин яратади. Шунингдек, аудиторлик текшируvida хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисботларида мухим бузиб кўрсатишлар риски даражасини пасайтиришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бондаренко В.И. Планирование аудиторской проверки в организациях потребительской кооперации. Автореферат кандидата экономических наук. 2004 год.
2. Anastasia Dergacheva and Katherine B. O'keefe., Contract Corner: Audit Provisions in Services Agreements. March 28, 2019. Article. Copyright © 2024 Morgan, Lewis & Bockius LLP. www.morganlewis.com.
3. GUIDANCE NOTE ON AUDIT OF LIABILITIES. Published in December, 1995. Issue of 'The Chartered Accountant'. Handbook of Auditing Pronouncements-II.
4. Булыга Р.П., Мельник М.В., Аудит бизнеса. Практика и проблемы развития. Монография. 2022 г. ЮНИТИ-ДАНА, ISBN 978-5-238-02383-0, 264 стр.
5. Орлов Д.В., Критика концепции существенности и аудиторского риска. Вестник // Пермского университета экономики. Раздел V. Аудит и налоговый контроль. Вып. 3(18). 2013 г.
6. Larry R. Davis, David N. Ricchiute and Greg Trompeter, Audit Effort, Audit Fees, and the Provision of Nonaudit Services to Audit Clients, The Accounting Review, American Accounting Association, Vol. 68, No. 1 (Jan., 1993), pp. 135-150 (16 pages). American Accounting Association.
7. Очилов, Ф. Ш. (2020). Мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати, Тошкент, ТМИ, 2022, 56 б.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

